

378 (043.3)

A75

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 371.035.6:378(575.1)*

**АРИПОВА МАТЛУБА ЛУТФУЛЛАЕВНА**

**ТАЛАБАЛАРДА ВАТАН РАВНАҚИ ҒОЯСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш  
учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2009

378 (043.3)

A75

Иш Ўзбекистон Давлат жахон тиллари университетининг “Педагогика ва психология” кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:** педагогика фанлари доктори, профессор  
**Ортиков Норбой Ортикович**

**Расмий оппонентлар:** педагогика фанлари доктори, профессор  
**Ҳасанбоев Жалолоддин**

педагогика фанлари доктори, профессор  
**Маҳкамов Улфат Илхомович**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Миллий университети

Ҳимоя 2009 йил май ойининг 5 кuni соат 14<sup>00</sup> да Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги К.067.18.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100070, Тошкент, Ю.Х.Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел: 254-92-02, факс: (+99871) 215-54-18. E-mail: tdpu info @ edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Ахборот ресурслар маркази”да танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил “4” июльда тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, педагогика  
фанлари номзоди, доцент



Р.Г.Исянов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ўтган давр мобайнида халқимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритганини, давлат ва жамият қурилиши соҳасида туб ислохотлар амалга оширилганлигини таъкидлаш билан бирга, "...олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони – бу халқимизнинг бақувват иймон-эътиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётгани, Ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намоён бўлмоқда"<sup>1</sup> деб, бу соҳада муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. И.А.Каримов қайд қилганидек, XXI асрда юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзлгимизни англаш, миллатимиз ва халқимизнинг гурур ва ифтихорини юксалтириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш, шу муқаддас заминда ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак. Албатта, уларни амалга оширишда Ватан равнақини таъминлайдиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш долзарб муаммолардан ҳисобланиб, давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этади. Ватан равнақи – бу ҳар бир инсоннинг ўз мамлакати, халқи, миллий қадриятларини такомиллаштириш, ривожлантириш, асраб-авайлаш йўлидаги ҳаракатдир. Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида ҳам битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган талабларда "Ватан тарихини билиши, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши" кўрсатилган. Демак, талабаларда Ватан равнақи ғояси ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш олий таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш – Ўзбекистон тараққиётининг асосий негизларидан бири ҳисобланади. Зеро, Ватан равнақи ғояси жамият, мамлакат барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети ва миллий ўзликни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни илм-фан ютуқлари билан бойитиб бориш, ватанимиз тарихи, маданиятини теран билиб олиш, муқаддас динимизга садоқатли бўлиш кабилар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, талабалар онгида янгича фикрлаш, миллий тафаккур, миллий мафкуравий қарашлар, маънавий-ахлоқий маданиятни камол топтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда талабаларда мазкур ғояни шакллантиришга доир илмий-педагогик мажмуалар, методик қўлланмалар ва

<sup>1</sup> Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. Халқ сўзи. 2008 йил, 1 сентябрь.

ишланмаларга бўлган талаб янада ўсиб бормокда. Ушбу муаммолар тадқиқига оид илмий-педагогик тадқиқотлар яратиш ва улардан маънавий-маърифий фаолиятда тўғри фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида ривожланган демократик ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишда муҳим ўрин тутди. Бу эса бугунги куннинг долзарб педагогик муаммоси эканлигини кўрсатади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек халқи тарихида Ватан равнақи ғояси доимо долзарб бўлиб келган. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Хожа Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби донишмандларнинг Ватан ҳақидаги фикр дурдоналари нафақат ўз халқимиз, балки жаҳон халқлари томонидан ҳам тан олинган. Маърифатпарвар шоирлар Мухаммадшариф Сўфизода, Садриддин Айний, Мунавварқори Абдурашидхонов кабиларнинг асарларида ҳам Ватан ҳақидаги ғоялар чуқур ўрин эгаллаган. Мустақиллик йилларида Ж.Туленов, Б.Зиёмухамедов, Ҳ.Бобоев, Э.Юсупов, З.Ғофуров, Б.Қодиров, Б.Аминов, Т.Расулов, А.Иброхимов, Н.Жўраев, И.Каримов, А.Алиев, Т.Маҳмудов, М.Имомназаров, М.Эшмухамедова каби олимлар томонидан чоп этилган илмий-фалсафий асарларда республикамиз фуқароларининг мустақил Ватанга, миллатга муҳаббат туйғусини ривожлантириш, миллий, маънавий қадриятлар, ёш авлодни ахлоқий тарбиялашда умуминсоний қадриятларнинг муҳим аҳамияти, уларнинг шахс тарбиясидаги ўрни каби масалалар кенг ёритилган.

М.Қуронов, Ш.Қурбонов, О.Мусурмонова, Ж.Ҳасанбоев, М.Иномова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, У.Маҳкамов, С.Очилов, Ж.Йўлдошев, Ш.Олимов каби педагог олимлар шахс камолоти, уларни тарбиялаш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. М.Худойқулова, Ш.Атаджонова, Ж.Раҳимов, А.Реджабоев каби олимлар эса ўз тадқиқотларида бевосита ватанпарварлик тарбиясининг моҳияти, мазмуни, ёш авлодни баркамол шахс этиб тарбиялашдаги ўрни, ватанпарварлик тарбиясини самарали ташкил этишнинг шакл ва усуллари, воситалари, ватанпарварлик тарбияси масалаларини тадқиқ қилганлар. Лекин талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш бугунги кунда долзарб ва муҳим педагогик муаммо ҳисобланишига қарамай, мазкур масала педагогик жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, бўлажак мутахассисларда ушбу ғояни шакллантириш шахс, жамият тараққиётини юксак даражага кўтариш билан боғлиқ бўлиб, унинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Ватан равнақи ғоясини ўзида мужассам этган шахс жамият талабларига жавоб беради, уни мустаҳкамлайди. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади. Ватан равнақи ғояси, Ватан ҳақидаги билимлар шахс амалий фаолиятида жамият ва давлат олдига турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида намоён бўлади. Пировард натижада, демократик жамият тараққиётига хизмат қилади. Ватан равнақи ғояси эркинлик ҳамда мавжуд

имкониятлардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароит яратадиган ахлокий-хукукий қадриятдир. У шахннинг кадр-қимматини, халқнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашга қўмаклашади, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий тамойили ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш ўзини жамиятнинг ҳақиқий фуқароси деб ҳис этиш кўникмаларини шакллантиради. Бу эса ҳар бир фуқаро ўз тақдири ва жамият ҳаётини бошқаришда бевосита фаол иштирок этиши учун янада кенг имкониятлар яратади. Бунда, албатта, комплекс ёндашиш, айниқса дарс, аудиториядан ташқари ишлар жараёнида талаба шахсида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш ўз самарасини беради.

Юқоридаги омиларга асосланган ҳолда, шунингдек, талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш педагогик муаммо сифатида махсус ўрганилмаганлигини инобатга олиб, мазкур илмий-тадқиқот ишмиизнинг мавзуси “Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари” деб белгиланди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Талабаларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашнинг маънавий асослари” йўналиши бўйича бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг тамойиллари, мазмуни ва методикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

- мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафий, сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий манбаларни таҳлил қилиш, муаммонинг долзарб педагогик аҳамиятга эгаллигини назарий асослаш;
- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришга оид машғулотлар тизими ҳамда мазмунини ишлаб чиқиш;
- олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари ва мезонларини яратиш;
- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини белгилаш;
- педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш;
- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришга оид илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантиришга қаратилган ўқув-тарбия фаолияти.

**Тадқиқот методлари:** мавзуга доир фалсафий, тарихий, маънавий-маърифий, сиёсий, педагогик адабиётларни таҳлил қилиш; олий таълим муассасалари ҳужжатлари, дастур ва ўқув қўлланмаларини ўрганиш;

тажриба-синов, суҳбат, сўровнома, савол-жавоб, кузатиш, математик-статистик таҳлил ва тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар:**

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш муаммоси илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганилса;

- олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнида талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тизимини амалга ошириш омиллари кўрсатилиб, унинг мезонлари белгиланса;

- олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг мазмуни, самарали шакл ва услубларини амалиётга кенг татбиқ этилса;

- олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар тизимида талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тарбиявий ишларнинг асосий вазифаси сифатида белгиланиб, амалга оширилса;

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришни тўлақонли амалга оширишда билим, кўникма ва малакалар бирлиги, изчиллиги таъминланса, мазкур жараён самарали кечади.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик муаммо эканлиги;

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг назарий ва методик асослари;

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари, машғулотларнинг мазмуни ҳамда тизими;

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шаклланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари;

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришга қаратилган илмий-методик тавсиялар.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш муаммоси илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилди;

- олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантиришда “Ватан равнақи ғояси – миллат тараққиёти” дастури яратилди;

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш машғулотларининг тизими, мазмуни ва методикаси ишлаб чиқилди;

- талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари ва мезонлари ҳамда илмий-методик тавсиялар яратилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари ва машғулотларининг мазмуни, педагогик шарт-шароитлари, мезонлари, даражалари, методикаси ишлаб чиқилгани билан белгиланади. Тадқиқот натижалари “Ижтимоий педагогика”, “Ижтимоий фалсафа”, “Психология”, “Маънавият асослари”,

“Диншунослик” каби фанларни ўқитишда Ватан равнақи гоёсини шакллантиришга оид назарий ёндашувлар, илмий қарашлар, услубий тавсиялар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишидан олий таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида махсус курс ва семинар машғулотилари ўтишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация иши олий таълим тизимидаги ўқув-тарбия фаолиятини такомиллаштиришда маънавият ва маърифат ишлари учун методик манба сифатида яқиндан ёрдам беради.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тажриба-синов ишлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат техника университети, Фарғона давлат университети, Тошкент давлат педагогика университетида олиб борилди.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Педагогика ва психология” кафедрасининг 2008 йил 18 январдаги йиғилишида (5-сонли йиғилиш баёни), Гулистон давлат университети “Бошланғич таълим ва ТАС” кафедрасининг 2008 йил 2 сентябрдаги илмий-назарий семинар йиғилишида (2-сонли йиғилиш баёни), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги К.067.18.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги 13.00.01-Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи ихтисослиги бўйича илмий-методологик семинарнинг 2008 йил 17 ноябрда ўтказилган йиғилишида (7-сонли йиғилиш баёни) муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни битта услубий қўлланма, 11 та мақолада ўз аксини топган. Шулардан 8 таси “Халқ таълими”, “Қасб-хунар таълими”, “Бошланғич таълим”, “Тафаккур” журналларида, Т.Н.Қори Ниёзий номи ЎзПФИТИнинг илмий-методик мақолалар тўпламларида, 3 таси илмий-амалий анжуман материаллари таркибида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, 6 банд, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, 139 саҳифани ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари, тадқиқотнинг илмий фарази, химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг “Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари” деб номланган биринчи бобида талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари ўрганилган. Унда Ватан равнақи ғоясининг тушунчаси, моҳияти ва асосий негизлари назарий жиҳатдан ўз ечимини топган. Мустақилликка эришишимиз туфайли Ватан равнақи ғоясининг қарор топиши, Президентимиз асарларида ушбу масаланинг чуқур ифода этилиши, давлатимиз ривожини, тараққиётида катта аҳамиятга эга эканлиги далилланган. Ватан равнақи ғоясининг миллий ўзлигини англаш, миллий кадриятларимизни тиклаш, маънавий меросимизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти фалсафий, тарихий, сиёсий, маънавий, педагогик жиҳатдан илмий талқин этилган. Ушбу бобда фалсафий, маънавий-маърифий адабиётларга асосланган ҳолда, “Ватан” ва “равнақ” сўзларининг тушунчаси ва моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, “Ватан – кишиларнинг туғилиб ўсган жойи, юрти, мамлакати; тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, ўзига хос тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи. Ватан – она каби ягона, муқаддас. Ватан олдидаги қарздорлик туйғуси масъулиятли ҳар бир етук инсонга хос хусусиятдир. Ватанни севиш ватанпарварликда намоён бўлади; Ватанпарварлик эса кишиларнинг она юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий кадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозирини билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади”<sup>2</sup>.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да берилишича, “Равнақ” сўзи “порлаш; ялтироклик; хусн, кўрк. Мислсиз тараққиёт, ривож, барқ уриш, гуллаб яшаш” деган маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида, ҳукуватимиз томонидан ёшлар тарбиясига оид чиқарилган қонун ва қарорларида Ватан равнақи ғояси ўзининг чуқур ифодасини топганлиги ўрганилган ва шу соҳага доир адабиётлар таҳлил этилиб, муносабатлар билдирилган. Шунингдек, мустақиллик йилларида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар, ўзбек мутафаккирлари ва маърифатпарварларининг ватанпарварлик ҳақидаги ғоялари, қарашлари

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. Бешиқ-Г гидрофизика. Таҳрир хайъати: М.Аминов, Б.Ажмедов, Ҳ.Бобоев ва б. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. -704 б.; 395 б.



жамиятимиз ривож, миллатимиз равнаки, ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилиб, республикаimiz файласуф ва педагог олимларининг асарлари назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Улар олиб борган тадқиқотлар ўрганилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилган. Давлатимиз сиёсатининг асосий вазифаларидан бири Ватан равнаки ғоясини ҳаётга татбиқ қилишдир. Чунки Ватан равнақ топса, тараққиёт, ривожланиш юқори бўлса, халқ фаровон яшайди. Шу муносабат билан ушбу бобда талаба-ёшларда Ватан равнаки ғоясини шакллантириш асосида унинг тарихини мукаммал ўрганиш, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, маданий меросимизни асраш, жаҳон стандартларига мос ҳолда билим олиш, интизомли, онгли инсон бўлиб камол топиш каби масалалар илмий-педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Ушбу бобда узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-ёшларда Ватан равнаки ғоясини шакллантиришнинг муштараклиги ва уларнинг намоён бўлиш, ривожланиш ҳолатлари ифодаланган. Ватан ҳақидаги тушунчани шакллантириш мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларидан бошланади. Бу борада “Ўзбекистон – мустақил давлат”, миллий маросимлар, Наврўз байрами, “Ўзбекистон – менинг Ватаним”, “Она шахрим Тошкентим”, “Самарқанд – қадимий шаҳар” мавзулари асосида суҳбатлар ўтказиш, ўзлари яшаётган шаҳар, кўча номлари билан таништириш, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Юнус Ражабий каби буюк сиймолар ҳақида ҳикоя қилиш муҳим ўрин тутди.

I-4-синфларда ўқувчилар мамлакатимиз мустақиллиги, рамзлари ва байрамлари ҳақида дастлабки тушунчаларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, ўзи яшайдиган қишлоқ (шаҳар) ҳақида муайян тасаввурга эга бўладилар. 5-9-синф ўқувчилари адабиёт, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари дарсларида Президент асарларида илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юритиш, мамлакатимиз мустақиллиги ва байрамлари ҳақида, она-Ватанга, унинг тарихига, ҳуқуқий асосларига муҳаббат уйғотувчи мазмундаги ғояларни англаган ҳолда сўзлаб бериш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари умумтаълим фанлари асосида миллий ва умумбашарий қадриятларни улуғлашда бадий адабиётнинг ижтимоий вазифасини англаш, асар қаҳрамонларини умуминсоний ва миллий қадриятлар нуқтаи назаридан мустақил баҳолаш, Ўзбекистон ва унинг бойликлари, табиати тўғрисида савол-жавоб қилиш, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш қонуниятлари ва турли мафқуралар кураши, жаҳон тарихида Ўзбекистоннинг ўзига хос ўрни ҳақидаги билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

Олий таълим жараёнида талабаларда Ватан равнаки ғоясини шакллантириш гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг аҳамияти беқийсдир. Шу жиҳатдан ушбу бобда ижтимоий-гуманитар фанлар

машгулотларида талабаларда миллий ғоя ва демократия, миллий ва умуминсоний кадрятлар, илмий дунёқараш, юксак маънавият ва маданият, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккур, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаоллик тарбияси билан чамбарчас боғлиқ бўлган йўналишларнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилган. Таълим жараёнида миллий анъаналар, урф-одатлар, маданий меросдан фойдаланиш асосида тарих ва маданиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳини қарор топтириш, таълим ва тарбия жараёнида мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантиришга оид билимларнинг бевосита Ватан равнақи ғояси билан боғлиқлиги ва ушбу педагогик йўналишларда амалга ошириладиган ишлари мазмуни тавсия этилган. Шарқ мутафаккирлари қолдирган бой маданий-маърифий мерос талабаларнинг Ватан равнақи ҳақидаги билимини бойитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши назарий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг “Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари ва мазмуни”** деб номланган иккинчи бобида талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари ва мазмуни, машгулотлар тизими, Ватан равнақи ғоясини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг озод ва обод Ватан, она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ҳақидаги ғояларини, халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва мустаҳкамлаш ишларига жалб этиш, мамлакатимизда қарор топаётган адолатли, ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамиятида фаол иштирок этишларига эришиш; она-юрт тарихини билиш ва у билан фахрланиш; миллий ва умуминсоний кадрятлар, тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиш; Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни юксак даражада эканлигини қалбдан ҳис этиш; Ўзбекистон – келажаги буюк давлат эканлигига тўла ишонч билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш мазмуни методик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг мазкур бобида “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Ўзбекистон – жаннатмақон дийр”, “Ватанга содиқлик – муқаддас бурч”, “Шу азиз Ватан – барчамизники”, “Миллат руҳидаги бунёдкорлик”, “Миллий ғоя”, “Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр” каби мавзуларга оид машгулотлар мазмуни яратилган ва уларнинг талабалар билими, дунёқарашини шакллантиришда ҳамда Ватан равнақи ғоясининг асл моҳиятини очиб беришдаги аҳамияти кўрсатилган. Ушбу машгулотлар орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг озод ва обод Ватан, она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ва Ватан равнақи ҳақидаги ғояларини ўрганиш; она-юрт тарихини билиш ва у билан фахрланиш; халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этишга жалб этиш; адолатли, ҳуқуқий,

демократик фукаролик жамиятини қарор топтиришда ҳар бир шахснинг фаоллигига эришиш; тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни билиш ҳамда ҳурмат қилиш; Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни юксак даражада ва келажаги буюк давлат эканлиги билан боғлиқ билим, кўника ва малакалар шакллантирилиши назарда тутилган; талабаларнинг эркин фикрлай олиш қобилиятларини тўғри йўналиштиришга оид тавсиялар берилган; ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг тизими, шакллари, воситалари ва мазмуни ишлаб чиқилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг мазкур қисмида юртимизда кенг нишонланаётган “Мустақиллик байрами”, “Конституция куни”, “Устоз ва мураббийлар куни”, “Наврўз”, “Хотира ва қадрлаш куни” каби байрам ва турли миллий маросимлар, шунингдек, улкан бунёдкорлик ишлари Ватан равнақи ғояси билан, хусусан, унинг “Миллий ўзликни англаш”, “Миллий ғурур”, “Миллий онг”, “Мустақил фикрлаш”, “Қадриятлар”, “Адолатпарвар бўлиш”, “Илм эгаллаш”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Элим деб, юртим деб, ёниб яшайлик” каби тамойиллари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, талаба-ёшларда ватанпарварлик хис-туйғусини оширишга хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланади. Ушбу бобда талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, амалий иш тажрибалари, унинг натижалари кўрсатилган, олий таълим муассасаларининг талабалари учун тузилган сўровнома саволларига олинган жавоблар назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари асосида олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантиришда “Ватан равнақи ғояси – миллат тараққиёти” дастури яратилган. Дастурда “Ватан равнақи ғояси – миллат тараққиёти”, “Ўзбекистон истиклоли ва истикболи”, “Ватан равнақи ғояси – халқнинг, миллатнинг буюк келажагидир”, “Маънавий ва ахлоқий қадриятлар – Ватан равнақи ғоясининг асоси”, “Ёшлар ва Ватан равнақи ғояси”, “Ислоҳ таълимоти асосида Ватан равнақи ғоясини ривожлантириш”, “Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш”, “Ватан равнақи ғояси асосида таълим мазмунини такомиллаштириш”, “Олий таълим муассасалари, оила, маҳалла ҳамкорлиги асосида талаба-ёшларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” каби мавзулар ўз ифодасини топган.

Ушбу бобда олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнида талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тизимини амалга ошириш омиллари кўрсатилиб, унинг мезонлари белгиланган. Мезонларни белгилашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мустақиллик йилларидаги Ватан равнақи ғоялари, миллий истиклол ғояси, “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”, мустақил Ўзбекистонни

ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва унинг маънавий йўналишлари, талабаларнинг ақлий имкониятлари, уларга қўйиладиган таълимий-тарбиявий талаблар ҳисобга олинди. “Давлат ва жамият истикболи учун курашга тайёр бўлиш”, “Комил инсонни вояга етказиш”, “Маънавий меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”, “Ватан тарихини ўрганишга мухаббат”, “Ватанга садоқат”, “Ватаннинг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан гурурланиш”, “Жамият қувончи ва ташвишларини ҳис этиш”, “Ўз турар жойига (қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика) мухаббат”, “Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш”, “Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш”, “Ижтимоий-сиёсий фаолиятда фаол иштирок этиш” каби мезонлар асосида талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш юзасидан талабаларнинг билим даражалари аниқланди.

Ватан равнақи, Ватан, ватанпарварлик, мустақиллик, истиклол мавзуларига бағишланган маърузалар, суҳбатлар уюштириш ҳамда “Мен Ватан учун нима қилдим?”, “Ватан”, “Ватан остонадан бошланади” каби мавзуларда тарбиявий тадбирлар методикаси ишлаб чиқилди ва улар амалиётга жорий этилди. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида талабаларда Ватан равнақи оид ижтимоий воқеа-ҳодисаларни билишга бўлган эҳтиёж, ҳар қандай вазиятда Ватанни ҳимоя қилишга тайёр бўлиш, Ватан ва жамият тараққиёти учун курашиш; куч-ғайратини Ватан равнақи учун сафарбар этиш, Ватанни англашга ҳаракат қилиш ва унинг натижалари билан қизиқиш; Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун чин виждон, юксак бурч ва масъулият каби ҳис-туйғуларни шакллантириш каби хусусиятлар камол топган.

Ўтказилган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатдики, олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш натижасида уларнинг адолатли, инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлатнинг моҳиятини чуқур тушуниб етишлари исботланган. Талабаларда билим олишга бўлган иштиёқ кучайиб, мустақил ишлашга интилиш ортган. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришда миллий тарихимиз, халқ анъаналари ва урф-одатлардан кенг фойдаланиш орқали уларнинг тадбирларда фаол иштирок этишига эришилди.

Ватан равнақи ғояси мазмун-моҳияти тарғиботи бўйича ташкил қилинган махсус курсларда буюк алломаларнинг Ватан равнақи билан боғлиқ асарлари мазмунида илгари сурилган ғоялар асосида “Қамолот” ЁИХ билан тадбирлар амалга оширилиб, “Балли, йигитлар” кўрик-танлови, шеърят мулкнинг султони Алишер Навоийнинг 566 йиллигига бағишланган навоийхонлик кечаси, “Универсиада – 2007” спорт мусобақалари, “Санамлар сарвари”, “Наврўз – умумхалқ байрами” тадбирлари ўтказилган; талабаларда Ватан равнақи ғоясининг шаклланганлик даражаси аниқланган ва илғор иш тажрибалари омалаштирилган; Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тажрибасини такомиллаштиришнинг назарий, услубий, амалий йўналишлари тавсия қилинган; талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг

таснифи ишлаб чиқилган; олинган натижалар юкори, ўрта, қуйи даражаларга бўлиниб, Стьюдент-Фишер критерияси бўйича тахлил этилган.

I-жадвал

**Тажриба бошида ва якунида талабаларда Ватан раънақи ғоясининг шаклланганлик даражаси**

№	Мезонлар	Тажриба бошида						Тажриба якунида					
		Юкори		Ўрта		Қуйи		Юкори		Ўрта		Қуйи	
		Талабалар сони		Талабалар сони		Талабалар сони		Талабалар сони		Талабалар сони		Талабалар сони	
		Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат
1.	Давлат ва жамият истиқболи учун курашга тайёр бўлиш	87	93	188	202	185	178	172	81	236	208	52	184
2.	Ватан тарихини ўрганишга мухаббат	88	94	191	177	181	202	184	75	228	190	48	208
3.	Ватанга садоқат	93	100	183	209	184	164	146	82	263	221	51	170
4.	Ватаннинг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан ғурурланиш	90	95	193	185	177	193	159	74	257	200	44	199
5.	Жамият қувончи ва таъвишларини ҳис этиш	95	94	185	211	180	168	195	70	218	229	47	174
6.	Маънавий меросга хурмат билан муносабатда бўлиш	90	97	179	207	191	169	185	78	217	220	58	175
7.	Ўз турар жойига (қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика) мухаббат	87	93	192	201	181	179	172	78	240	210	48	185
8.	Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш	92	95	194	175	174	203	176	85	243	179	41	209
9.	Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш	93	93	174	158	193	222	175	86	225	160	60	227
10.	Комил инсонни вояга етказиш	91	99	185	178	184	196	195	82	214	189	51	202
11.	Ижтимоий-сиёсий фаолиятда фаол иштирок этиш	84	92	193	187	183	194	166	73	244	200	50	200
<b>Жами:</b>		<b>990</b>	<b>1045</b>	<b>2057</b>	<b>2090</b>	<b>2013</b>	<b>2068</b>	<b>1925</b>	<b>864</b>	<b>2585</b>	<b>2206</b>	<b>550</b>	<b>2133</b>


Юқоридаги жадвалдан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларига асосланган ҳолда математик-статистика методи қўлланилди. 11 та мезон бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳида 460 та, назорат гуруҳида 473 та, жами 933 та талаба иштирок этди. Тажриба-синов ишлари натижаси куйидаги жадвалда ўз аксини топган.

2-жадвал


**Талабаларда Ватан равнақи ғоясининг шаклланганлик даражалари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари**

	Гуруҳлар	Талабалар сони	Жавоблар сони		
			Юқори "5"	Ўрта "4"	Куйи "3"
Тажриба бошида	Тажриба	460	90	187	183
	Назорат	473	95	190	188
Тажриба якунида	Тажриба	460	175	235	50
	Назорат	473	79	200	194

Бу натижалар асосида тажриба бошидаги ва тажриба якунидаги кўрсаткичлар диаграммалари куйидагича бўлади:



Тажриба бошида



Тажриба якунида

Тажриба якунидаги кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун куйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир талабанинг ўзлаштириш коэффиценти фоизларда

$$K = \frac{J}{Q} 100\% \text{ формула орқали топилади.}$$

Бу ерда J – ўтказилган тажрибада саволларга берилган тўғри жавоблар сони. Q – талабаларнинг умумий сони.

№	Гуруҳлар	Тажриба	Назорат
	Баҳо		
1.	Юқори	$K_1 = \frac{175}{460} \cdot 100\% = 38\%$	$K_2 = \frac{79}{473} \cdot 100\% = 16,6\%$
2.	Ўрта	$K_1 = \frac{235}{460} \cdot 100\% = 51,1\%$	$K_2 = \frac{200}{473} \cdot 100\% = 42,4\%$
3.	Қуйи	$K_1 = \frac{50}{460} \cdot 100\% = 10,9\%$	$K_2 = \frac{194}{473} \cdot 100\% = 41\%$

Олинган қийматлар асосида Стъюдент-Фишер критерияси қўлланиб математик-статистик таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасида математик кутилиш, танланма дисперсия, ўртача квадратик четлинишлар ва оралиқ интерваллар топилди.

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$D_m$	$D_n$	$r_m$	$r_n$	$\delta_m$	$\delta_n$	$\Delta_m$	$\Delta_n$
4,3	3,8	0,42	0,52	0,64	0,72	0,15	0,19	0,02	0,02

Натижалардан тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар учун ишончли интерваллар топилди:

$$\bar{X} - t_r \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \leq a_r \leq \bar{X} + t_r \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_r \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_r \leq \bar{Y} + t_r \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$4,3 - 0,02 \leq a_r \leq 4,3 + 0,02 \quad 3,8 - 0,02 \leq a_r \leq 3,8 + 0,02$$

$$4,28 \leq a_r \leq 4,32 \quad 3,78 \leq a_r \leq 3,82$$

Бундан  $\alpha=0,05$  қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳларида ўртача баҳо назорат гуруҳларидаги ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, ижобий натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум,  $\bar{X}=4,3$ ;  $\bar{Y}=3,8$ ;  $\Delta_m = 0,02$ ;  $\Delta_n = 0,02$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{сф}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,3 - 0,02}{3,8 + 0,02} = \frac{4,28}{3,82} = 1,12 > 1;$$

$$K_{\text{сфб}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,3 - 0,02) - (3,8 - 0,02) = 4,28 - 3,78 = 0,5 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони бирдан, билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бу эса тажриба гуруҳларининг сифат кўрсаткичлари назорат

гуруҳларининг сифат кўрсаткичларидан юкори эканлигини англатади. Демак, талабаларда Ватан равнақи ғоясининг шаклланганлик даражаси бўйича яхши натижага эришилгани тажриба-синов натижаларидан маълум бўлиб турибди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш муҳим педагогик муаммо эканлиги назарий жиҳатдан асосланди. Шу муносабат билан Ватан равнақи ғоясининг моҳияти, тушунчаси, мазмуни ва унинг асосий негизлари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди. Юртбошимиз И.А.Каримов асарларида ушбу ғоянинг ифода этилиши, унинг Ўзбекистон таракқиётидаги аҳамияти кўрсатилиб, ушбу муаммога оид адабиётлар назарий жиҳатдан таҳлил этилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Ёшлар йили” Давлат дастури, олий таълим Давлат таълим стандартларида Ватан равнақи ғоясининг ифодаланиши илмий-назарий, амалий жиҳатдан ўрганилди. Тадқиқот ишида олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг такомиллаштириш йўллари кўрсатилди, Ватан равнақи ғоясининг маънавий, тарихий, сиёсий, тарбиявий соҳадаги йўналишлари, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

2. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари, мавзулари ва уларнинг мазмуни ишлаб чиқилди. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг озод ва обод Ватан, уни севиш, эъзозлаш ва ардоқлаш ҳақидаги ғоялари; Ўзбекистонда адолатли, ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамияти қарор тошайтганлиги ва бунда ҳар бир шахснинг фаоллигига эришиш; халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этишга жалб этиш; она-юрт тарихини билиш ва у билан фахрланиш; Ўзбекистоннинг ўз истиклоли йўлини чуқур ўрганиш; миллий ва умуминсоний кадриятларни билиш ва ҳурмат қилиш; тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиш; Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни юксак даражада эканлигини масъулият билан ҳис этиш; Ўзбекистон – келажаги буюк давлат эканлигига тўла ишонч билан муносабатда бўлишга доир билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари муҳим аҳамият касб этиши илмий-назарий жиҳатдан далилланди.

3. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилиб, амалга ошириш йўллари ва натижалари кўрсатилди. Олий таълим муассасалари талабалари учун тузилган сўровнома жавоблари назарий жиҳатдан таҳлил этилди. Шунингдек, талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришда “Ватан равнақи ғояси – миллат таракқиёти” дастури ишлаб чиқилди. Тадқиқот ишида тушунтириш,



уктириш, мустақил ўқиш, ишонтириш, машқ қилдириш, ўз-ўзини тарбиялаш каби тарбия методлари асосида талабаларда ватанпарварлик тарбияси, фуқаролик масъулияти, миллий ўзликни англаш ва мустақил тафаккурини шакллантириш, ҳуқуқий, экологик, миллий ғурур, миллий урф-одатларимизга ҳурмат каби хусусиятлар шакллантирилди. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларига асосланган ҳолда, ушбу муаммо юзасидан илмий-услубий тавсиялар яратилиб, амалиётга татбиқ этилди.

4. Мустақиллик йилларида Ватан равнақи ғояси барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг етакчи мавзусига айланди. Шу муносабат билан тадқиқот ишида “Ўзбекистон тарихи”, “Маънавий асослари” фанлари мисолида мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт; маънавий кадрларнинг тикланиши; Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк сиймоларнинг тарихдаги ролига ҳолисона баҳо бериш, уларнинг номларини абадийлаштириш; диний кадрлар ва ислом маънавиятининг тикланиши; халқимизнинг урф-одат, анъана ва удумларининг ҳаётга қайтарилиши; озод ва обод Ватан, фаровон турмуш яратиш, демократик жамият қуриш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини кўтариш ҳамда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, биродарлик, келажакка ишонч ва адолат туйғуларини шакллантиришдаги аҳамияти; маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти; комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари; миллий ўзликни англаш, унинг моҳияти; ҳуқуқий саводхонлик масалалари Ватан равнақи ғоясининг негизини ташкил этиши далилланди.

5. Олий таълим фаолиятида талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг амалиётдаги ҳолати умумлаштирилди. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари ишлаб чиқилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларда Ватан равнақи ғоясининг шаклланганлик даражалари аниқланди. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг таснифи ишлаб чиқилди. Юқори, ўрта, қуйи даражаларга бўлиниб, Стьюдент-Фишер критерияси бўйича таҳлил этилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларида Ватан равнақи ғоясининг шаклланганлик кўрсаткичлари сон ва коэффицент ҳисобида ифодаланди.

## ТАВСИЯЛАР

Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш жараёнини самарали кечишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- талабаларни Ватан равнақи ғояси руҳида тарбиялаш методикасига доир услубий ва ўқув қўлланмалари яратиш;
- олий таълим муассасаларида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш технологиясини амалиётга татбиқ қилиш;

- педагогика, психология, маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, диншунослик, ижтимоий фалсафа ва социологик адабиётлар мазмунига Ватан равнақи ғоясини шакллантириш мавзуларини киритиш;

- республика олий таълим муассасаларида олиб борилаётган Ватан равнақи ғоясини шакллантиришга доир илғор тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш;

- узлуксиз таълим жараёнида ўқувчи-ёшларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тизимини яратиш.

### ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Арипова М. Мустақиллик ва ватанпарварлик // Халқ таълими. – Тошкент, 2003. – №5. – Б. 32–33.
2. Арипова М. Таълим жараёнида ватанпарварлик тарбияси // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2004. – №6. – Б. 28–29.
3. Арипова М. Туркистонликлар саводсизмиди? // Тафаккур. – Тошкент, 2004. – №2. – Б. 92–93.
4. Арипова М. Ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантиришда Ватан тарихининг аҳамияти // Илмий методик тўплам. III қисм. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2004. – Б.12–16.
5. Арипова М. Ўқитувчи касб маҳоратини ошириш // Республика илмий семинар материаллари. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2004. – Б. 140–142.
6. Арипова М. Педагогик технологиялар – ўқув жараёнининг самараси // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2004. – Б. 93–95.
7. Арипова М. Ҳадислар – комилликка етакловчи восита // Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2004. – Б. 217–221.
8. Арипова М. Инсон камолотининг бош омили // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2005. – №1. – Б. 26–27.
9. Арипова М. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш. Услубий қўлланма. – Т.: Фан, 2007. – 44 б.
10. Арипова М. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш тамойиллари // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2007. – №4. – Б. 2–3.
11. Арипова М. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш // Илмий-методик тўплам. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2007. – 11 қисм. – Б. 15–17.
12. Арипова М. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш мезонлари // Халқ таълими. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 50–54.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Арипова  
Матлуба Лутфуллаевнанинг 13.00.01 – “Умумий педагогика, педагогика ва  
таълим тарихи” ихтисослиги бўйича “Талабаларда Ватан равнақи ғоясини  
шакллантиришнинг педагогик асослари” мавзусидаги диссертациясининг  
**РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** талаба, олий таълим, педагогик муаммо, Ватан равнақи,  
мустақиллик, ватанпарварлик, кадриятлар, маънавий мерос, миллий ўзликни  
англаш, миллий гурур, миллий ғоя, тамойиллар, машгулотлар, мезонлар,  
комил инсон, мустақил фикрлаш, миллий тарбия.

**Тадқиқот объекти:** олий таълим муассасалари талабаларида Ватан  
равнақи ғоясини шакллантириш жараёни.

**Ишнинг мақсади:** талабаларда Ватан равнақи ғоясини  
шакллантиришнинг тамойиллари, мазмуни ва методикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:** мавзуга доир фалсафий, тарихий, маънавий-  
маърифий, сиёсий, педагогик адабиётларни таҳлил қилиш; олий таълим  
муассасалари ҳужжатлари, дастур ва ўқув қўлланмаларини ўрганиш; суҳбат,  
сўровнома, савол-жавоб, кузатиш; педагогик тажриба-синов, математик  
статистика, тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** талабаларда Ватан  
равнақи ғоясини шакллантириш муаммоси илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ  
этилди. Олий таълим муассасалари талабаларида Ватан равнақи ғоясини  
шакллантиришда “Ватан равнақи ғояси – миллат тараққиёти” дастури  
яратилди, мавзуга оид машгулотлар тизими, методикаси, Ватан равнақи  
ғоясини шакллантириш тамойиллари ва мезонлари яратилди ҳамда илмий-  
методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари “Ижтимоий педагогика”,  
“Ижтимоий фалсафа”, “Психология”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик”  
каби фанларни Ватан равнақи ғоясини шакллантиришга оид назарий  
ёндашувлар, илмий қарашлар, услубий тавсиялар билан бойитишга хизмат  
қилади. Шунингдек, диссертация иши олий таълим ўқув-тарбия фаолиятини  
такомиллаштиришда маънавият ва маърифат ишлари учун методик манба  
сифатида яқиндан ёрдам беради.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот  
натижалари илмий-методик журналларда мақолалар чоп этиш ва илмий  
анжуманларда иштирок этиш, маърузалар ўқиш асосида оммалаштирилди.

**Қўлланилиш соҳаси:** тадқиқот материалларидан олий таълим тизими  
фаолиятини ривожлантиришда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари  
тайёрлашда, педагогика институтлари ва университетларда махсус курс ва  
семинар машгулотларида фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Ариповой Матлюбы Лутфуллаевны на тему: «**Педагогические основы формирования идеи процветания Родины у студентов**» на соискание учёной степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – «Общая педагогика, история педагогики и образования».

**Ключевые слова:** студент, высшее образование, педагогическая проблема, процветание Родины, независимость, патриотизм, ценности, духовное наследие, национальное самосознание, национальная гордость, национальная идея, принципы, занятия, критерии, всесторонне развитый человек, самостоятельное мышление, национальное воспитание.

**Объект исследования:** процесс формирования идеи процветания Родины у студентов высших учебных заведений.

**Цель исследования:** разработка принципов, содержания и методики формирования идеи процветания Родины у студентов.

**Методы исследования:** анализ философской, исторической, духовно-просветительской, политической, педагогической литературы, касающейся выбранной темы; изучение нормативных документов, программ и учебных пособий высших учебных заведений; беседа, анкетирование, опрос, наблюдение; педагогический эксперимент, математическая статистика, обобщение результатов исследования.

**Полученные результаты и их новизна:** исследована проблема формирования идеи процветания Родины у студентов с научно-теоретической точки зрения. При разработке принципов формирования идеи процветания Родины у студентов высших учебных заведений, была создана программа «Идея процветания Родины – развитие нации», были разработаны система и методика занятий, принципы формирования идеи процветания Родины, а также научно-методические рекомендации.

**Практическая значимость исследования:** результаты исследования послужат обогащению научно-теоретическими взглядами и методическими рекомендациями таких предметов, как «Социальная педагогика», «Социальная философия», «Психология», «Основы духовности», «Религиоведение». Также данная диссертационная работа может служить методической основой для духовной и просветительской деятельности, которая поможет развитию учебно-воспитательской работы в ВУЗах.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования широко распространялись путем публикации в журналах научно-методических статей и участием в научных конференциях, чтением лекций.

**Область применения:** материалы исследования могут быть использованы в развитии системы высшего образования, при создании учебников и учебных пособий и на семинарах и спец. курсах в педагогических институтах и университетах.

## RESUME

Thesis of Aripova Matluba Lutfullaevna on the scientific degree completion of the candidate of pedagogical sciences, on specialty 13.00.01 – General pedagogies, history of pedagogies and education, subject: “**Pedagogical Principles of Forming the Idea of Developing of Motherland among Students**”

**Key words:** student, higher education, development of Motherland, independence, patriotism, values, spiritual heritage, national self identification, national pride, national ideology, principles, lesson, measures, perfection human being, independent thinking, pedagogical problem, national education.

**Object of inquiry:** the process of forming the idea of developing Motherland in higher educational establishments.

**Aim of the inquiry:** working out the process of forming principles, the content and methodic of idea of developing of Motherland among students.

**Methods of inquiry:** the analysis of literature on Philosophy, History, Spirituality, Politics and Pedagogies; studying documents, curricula and manuals of higher education; experimenting-testing, a talk, inquiry, questionnaire and observation. Mathematic-statistical analysis and generalization of research results.

**The results achieved and their novelty:** the problems of forming the idea of developing Motherland among students were investigated from scientific and theoretical points of view. In forming the idea of developing Motherland a curriculum on The Idea of Developing Motherland was created, and principles and measures of forming the idea of developing Motherland as well as methodic, and the system of lessons on topics were created and scientific–methodical recommendations were worked out.

**Practical value:** The results of the research serve to approach subjects like Social Pedagogy, Social Philosophy, Psychology, the Principles of Spirituality, Religious Studies from theoretical point of view and enrich them with scientific looks, methodical recommendations in forming the idea of developing Motherland. The dissertation paper will contribute to being a methodical source for the promoting higher educational academic and educational activities as well as spiritual and educational work.

**Degree of embed and economic effectivity:** results of the research were widely spread by means of publication in journals of scientific methodical articles and participating in scientific conferences, delivering lectures.

**Sphere of usage:** the materials of the research can be used in developing the higher educational system as well as in preparing textbooks and manuals and special courses and seminars for teachers training institutes and universities.

*Matluba*

Босишга рухсат этилди  
Қоғоз бичими  
Ҳисоб нашр табоғи  
Алади  
Буюртма

3.04.2009 й.  
60x84/16  
1,3 б.т.  
100 нусха  
№ 104

---

ТТЕСИ босмаҳонасида ризография усулида чоп этилди.  
Тошкент 100100, Шохжаҳон кўчаси 5-уй.